

330.115(043.3)

Д-45

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

Кўлёзма хукукида  
УДК: 311:657.21.003.14

Джалилов Хуршид Абдурахимович

**Истеъмол сарфлари  
ва ялпи ички маҳсулот ўргасидаги боғланишнинг статистик  
тадқиқот усусларини такомиллаштириш (МХТ асосида)**

08.00.06. - «Эконометрика ва статистика»

**Иқтисод фанлари номзоди илмий даражасини  
олиш учун ёзилган диссертация**

**АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент - 2004

Диссертация иши Тошкент молия институтида бажарилган

**Илмий раҳбар -**

Иқтисод фанлари доктори, профессор  
Абдуллаев Ёркин Абдуллаевич

**Расмий оппонентлар -**

Иқтисод фанлари доктори, профессор  
Набиев Ҳамидулла Фаниевич

Иқтисод фанлари номзоди, доцент  
Набиходжаев Аббас Абдулпаттахович

**Етакчи ташкилот -**

Ўзбекистон Республикаси  
Давлат статистика қўмитаси

Диссертация химояси «11» ноябрь 2004 йил соат 9<sup>00</sup> да Тошкент давлат иқтисодиёт университети қошидаги иқтисод фанлари доктори илмий даражаси олиш учун диссертациялар химояси бўйича Д.067.06.01 ихтисослашган кенгаш мажлисида бўлади.

Манзил: 700063, Тошкент шаҳри, Ўзбекистон шоҳ кўчаси, 49.

Диссертация билан Тошкент давлат иқтисодиёт университети кутубхонасида танишиш мумкин.

Автореферат 2004 йил «9» октабрь да тарқатилди.

**Ихтисослашган кенгаш  
илмий котиби,  
иқтисод фанлари доктори,  
профессор**

*М.С.Қосимова*

М.С.Қосимова

## 1. ДИССЕРТАЦИЯНИНГ УМУМИЙ ТАВСИФИ

**Кириш.** Мустакиллик йилларида мамлакатимизда давлат ҳаражатларини кискартириш, унинг тасарруфидаги корхоналарни хугусийлаштиришга ҳамда бюджет маблағларидан оқилона фойдаланишига катта эътибор берилмокда. Хусусан, Президент И.А.Каримов нуткларида давлат ҳаражатлари хусусида тўхталиб, уларнинг ялпи ички маҳсулот (ЯИМ) даги макбул нормаларини Ўзбекистон Республикаси мисолида аниклаш муҳимлигини таъкидлаб ўтганлар<sup>1</sup>. Шундай шароитда истеъмол сарфлари ва ЯИМ ўргасидаги боғланишни моделлар асосида ўрганиш ва башоратлаш нафакат илмий-назарий, балки муҳим амалий аҳамиятга эга. Ушбу муаммолар хозиргача етарли даражада ўрганилмаган ва ҳали ҳам бу борада баҳс-мунозарали назарий муаммолар кўп.

Иктиносидий ўсишни тъминлаш ҳар бир мамлакат миллий иктиносидий тиҷимининг асосий максади бўлиб: чиклик нобарқарорликни «силиклиш», хусусан, тўлиқ бандликка эришиш, ресурслардан тўлиқ ва самарали фойдаланиш, барқарорлик даражасидан истикболда максимал иктиносидий ўсиш суръатига эришиш, пировард натижада жами истеъмол таркибини яхшилаш ҳамда ресурслар ҳажмини, хусусан, ишлаб чиқариш даражасини ва самарадорлигини ошириш тақозо қилинади.

Маълумки, иктиносидий ўсиш ЯИМ ҳажми ва унинг аҳоли жон бошига тўғри келган кўрсаткичининг маълум вакт оралиғида ўсиш суръати билан белгиланади. Агар мазкур кўрсаткичининг ўсиши уч йил давомида муттасил кузатилса, иктиносидий ўсиш барқарор ҳисобланади. Буни, одатда, фақат биғина умумлаштирувчи кўрсаткич ёрдамигина эмас, балки статистик кўрсаткичлар тизими ёрдамида баҳолаш мақсадга мувофиқ, чунки ЯИМ ҳажми катор омиллар таъсирида шаклланади.

Шундай шароитда макроиктиносидий ўсишнинг асосий қонуният ва тенденциялари нималардан иборатлиги, у ёки бу омилнинг таъсири қайси йўналишда ва айнан қандайлиги, дастлаб, биринчи навбатда нималарга эътибор бериш зарурлиги, қачон қайси ёндашув (модел ёки кичик назария, усул) ўриниллиги ва амалда самарали бўлиши тўлиқ ойдинлашмаган ҳолатда, уларни янада ойдинлаштириш лозимлиги, бозор иктиносидёти шароити учун долзарб муаммоларнинг аникрок (эконометрик) ечимларини топиш загуриятини кун тартибига қўяди.

Амалда ишлаб чиқилган ва ишлайдиган макроэконометрик моделлар ва компютер дастурлари бўлса, булар ёрдамида турли макроиктиносидий гипотезалар ва бальзи динамик «сценарийларни» текшириш, синаб кўриш имконияти бўлади. Бунинг, айниқса, социал-иктиносидий жараёнларни, хусусан, ЯИМ билан истеъмол сарфлари ўргасидаги боғланишларни

<sup>1</sup> Каримов И.А. 2002 йил биринчи ярим йиллигига Ўзбекистон иктиносидини ривожлантириш юзасидан устувор вазифалар ва топширикларнинг бажарилиши ҳамда долзарб муаммоларнинг ҳал этилиши тўғрисидаги маъruz, “Қишлоқ хаёти”, 19 июл 2002 йил, 1-3 бетлар.

ўр. анишда ва тегишли карорларни қабул қилишда ахамияти жуда каттадир. Чунки, бунда бевосита «натурал экспериментлар» ўтказишининг имконияти йўқ, бунга факат билвосита, шунга мос моделлар, алгоритмлар ва компьютер дастурларининг мавжудлиги жуда қўл келади. Бу эса иктисодий ўсишга, бинобарин, ЯИМ га таъсир килувчи асосий омилларнинг эконометрик моделларини ишлаб чикиш заруриятини долзарб килиб қўяди.

Бу муаммоларни ўрганишда хориж иктисадчи олимларидан М.Ахсан, Д.А.Ашауэр, А.М.Баеми, Р.Ж.Барро, В.Берт, Д.Дессус, Ф.Диболд, С.С.Кван Энди, М.Кеане, С.М.Мехди, Е.Прасад, Б.С.Сахни, М.Т.Шреста ва Б.Эркин кабиларнинг қатор илмий ишлари бозор иктисади шароитида ЯИМ нинг тасимланиши, истеъмол қилиш, жамғариш муаммолари ва уларни эконометрик моделлаштиришини фундаментал тадқиқ этишга багишланган.

Мазкур масаланинг Миллий ҳисоблар тизими (МХТ) билан боғлик жиҳатларини тадқиқ этишда МДҲ мамлакатларида В.С.Дадаян, А.С.Емельянов, Н.Е.Кобринский, Е.З.Майминас, А.Д.Смирнов, Ю.Н.Черемных каби таникли олимлар муносиб ҳисса қўшганлар.

Ўзбекистонда Ё.А.Абдуллаев, М.Ирматов, Ҳ.Ғ.Набиев, Р.Ҳ.Пўлатова, Т.Ш.Шодиев, Ҳ.А.Шодиев ва бошқа олимларнинг қатор илмий ишлари бу муаммоларнинг тадқиқотига, уларни эконометрик ва статистик моделлаштиришга багишланган.

Хозирда бу жабхада қўплаб назарий ва амалий тадқиқот ишлари амалга оширилмоқда. Жумладан, Иктисадиёт вазирлиги кошидаги «Самарали иктисадий сиёsat маркази»да ўтиш давридаги макроиктисадий таҳлилга катта эътибор қаратилган. Бирок Ўзбекистон Республикаси иктисадида истеъмол ҳаражатлари ва ялпи ички маҳсулот ўртасидаги боғланишни жаҳондаги ривожланган давлатларнинг макроиктисадий таҳлил қилишга ихтисослашган илмий текшириш институтларида қўлланиладиган эконометрик усуллардан фойдаланишга етарлича ахамият берилмаган. Мамлакатимизда макроиктисадий қўрсаткичларни тадқиқ қилишда қўлланиладиган усуллар ушбу боғланишга хос бўлган хусусиятларни очиб бери, а олмайди ва ушбу усуллар асосида аникланган натижалар ҳар доим ҳам юқори самарадорликка эга бўлавермайди. Бу эса, мазкур мавзуни чуқурроқ ўрганиш ва таклифлар ишлаб чиқишини такозо этади.

**Тадқиқот мақсади.** Илмий ишнинг асосий мақсади истеъмол ҳаражатлари ва ялпи ички маҳсулот ўртасидаги боғланишни ўрганишда хорижда қўлланиладиган замонавий эконометрик усулларни Ўзбекистон Республикаси шароитида қўллаш методологиясини ишлаб чиқишдан иборат.

#### **Тадқиқот вазифалари:**

- макроиктисадий қўрсаткичлар ўртасидаги боғликларни тадқиқ қилиш асосида бугунги кунда Ўзбекистонда мавжуд бўлган шу соҳадаги муаммоларни ўрганиш;
- Миллий ҳисоблар тизимида ЯИМ ва истеъмол ҳаражатлари қўрсаткичларининг шаклланиши ва уларга таъсир килувчи омилларни таҳлил

килиш ҳамда мавжуд муаммоларни бартараф этиш бўйича тақлифлар ишлаб чикиш;

- макроинтисодий кўрсаткичлар ўртасидаги боғликларни уларнинг хусусиятларини инобатга олган ҳолда таҳлил қилишда бугунги кунда жаҳоннинг энг етук илмий текшириш институтларида кенг фойдаланиладиган Йохансен коинтеграцион таҳлил усули моҳиятини ёритиш ва шу усулда Канада, Корея Республикаси ва Ўзбекистон давлатлари кўрсаткичлари мисолида истеъмол ҳаражатлари ва ялпи ички маҳсулот ўртасидаги боғланишни ўрганиш. Ушбу давлатлар танлаб олинганилгигининг асосий сабаби улар уч хил иктиносид – ривожланган, ривожланаётган ва бозор иктиносига ўтиш даврини бошидан кечираётган давлатлардир;

- Канада, Корея Республикаси ва Ўзбекистон давлатлари кўрсаткичлари бўйича амалга оширилган эконометрик ва статистик таҳлил усуслари ва натижаларини истеъмол ва даромад ўртасидаги боғланишни ифодалайдиган жаҳондаги турли назариялар билан такқослаш ва хulosалар чиқариш.

Юкорида санаб ўтилган вазифаларни ўзаро боғликларда ҳал этиш Ўзбекистон иктиносидаги кўрсаткичларнинг шаклланиши ва уларнинг боғланиши билан боғлик катор масалалар мажмуаси очимини ўз ичига камраб олади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий янгилиги** куйидагилардан иборат:

- Ўзбекистон МХТ да ялпи ички маҳсулот ва истеъмол ҳаражатларини ифодаловчи кўрсаткичларни аниқлаша “хисобга олинмаган иктиносид” ни ҳам хисобга олиш ва юкоридаги кўрсаткичларни янада аниқроқ аниқлаш лозимлиги ҳамда унинг усуслари кўрсатилди. Шу мақсадда мамлакатимиз шароитларини эътиборга олган ҳолда тузилган ижтимоий сўровномалар орқали бевосита статистик кузатишлар ўтказиш услубияти мукаммаллаштирилди;

- ЯИМ ва истеъмол ҳаражатлари орасидаги боғланишни ўрганишда Ўзбекистонда қўлланиладиган корреляцион-регрессион таҳлил усулиниң итуқ ва камчиликлари кўрсатилиб, бу мақсадда Йохансен коинтеграцион усулини қўллаш мақсадга мувофиқлиги қайд этилди ва эконометрик моделлар тизими ишлаб чиқилди;

- Канада, Корея Республикаси ва Ўзбекистон давлатларининг макроинтисодий кўрсаткичлари орасидаги боғланишлар Йохансен коинтеграцион таҳлил усулини қўллаб тадқиқ этилди, хulosалар қилинди ва бу усулни бизнинг амалиётда кенг қўллаш лозимлиги назарий ва амалий жиҳатдан исботланди;

- мамлакатимизда истеъмол самарадорлигини ошириш ва унинг иктиносидай ўсишга ижобий таъсирини таъминлайдиган тақлифлар ишлаб чиқилди.

**Тадқиқотнинг обьекти ва предмети.** Тадқиқотнинг обьекти бўлиб Ўзбекистон, Канада ва Корея Республикаси макроинтисодиёти, предмети бўлиб эса истеъмол сарфлари ва ЯИМ ўртасидаги боғланишнинг

статистик тадқиқот усууларини, хусусан, коинтеграцион таҳлил усулини кўллашнинг илмий-назарий ва услубий асосларини ишлаб чикиш ва уни мағлакатимиз амалиётида кўллашни амалга ошириш хисобланади.

**Тадқиқотнинг назарий-услубий асослари.** Ўзбекистон Республикасининг конунлари, Президент фармонлари ва Вазирлар Махкамасининг карорлари, Президент И.Каримовнинг макроқитисодий масалаларга бағишланган асарлари, нутклари тадқиқотнинг назарий-услубий асосини ташкил этади.

Ўзбекистон Республикаси Иктиносидиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Давлат статистика кўмитаси маълумотлари ва ҳужжатлари, иқтисодчи олимларнинг монографик ишламалари, шунингдек, илмий изланишларнинг натижалари хамда матбуотда эълон килинган фактлар, муаллифнинг ўз кўчалишлари ва хисоб-китоблари мазкур илмий тадқиқот ишининг ахборот базаси хисобланади.

Тадқиқотда статистиканинг тизимли-таркибий, функционал, қиёсий таҳлил, график, индекс ва корреляцион-регистрацион таҳлил усууларидан кенг фойдаланилди.

**Тадқиқот натижаларининг назарий ва амалий аҳамияти.** Диссертацияда истеъмол сарфлари ва ЯИМ ўртасидаги боғланишнинг статистик тадқиқот усуулари илк бор ҳорижий давлатларда амал килаётган макроэконометрик моделларига киёсланган ҳолда таҳлил килинган ва макроқитисодий кўрсаткичларни ўрганишда коинтеграцион таҳлил усулини кўчлаш лозимлиги назарий ва амалий жиҳатдан исботланган.

Илмий ишда илгари сурилган тавсия ва таклифлар куйидаги йўналишларда, яъни:

- иқтисодий тизимларни бошқаришда вужудга келиши мумкин бўлган муаммоларнинг асосий сабабларини аниқлашда, хусусан, даромаднинг мутаносиб равища таксимланишида;
- макроқитисодий кўрсаткичлар тизимидағи ўзгаришлар сабабларини очища;
- республикамизда иқтисодий стратегиянинг мақбул йўналишларини танлаб олиша;
- давлат таълим стандартларига мувофиқ «Статистика», «Эконометрика», «Макроқитисодиёт» каби йўналишлар хамда мутахассисларга даҳлдор туркум фанлар, шунингдек, маҳсус курслардан машғулотлар ўтказишида ўз тадбиғини топиши мумкин.

**Тадқиқот натижаларининг синон ва муҳокамадан ўтказилганилиги.** Илмий иш натижалари Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги «Истеъод» жамғармаси томонидан ташкил этилган «Ҳорижда таълим олган ёш мутахассисларнинг I конференцияси»да (2003 й.), Ўзбекистон Миллий Университетида (2004 й.), Г.В.Плеханов номидаги Россия иқтисодиёт Академиясининг Тошкент шаҳридаги филиалида бўлиб ўтган халқаро илмий-амалий конференцияларда (2004 й.)

маъруза килиниб, уларнинг илмий тўпламларида чоп этилган илмий тезисларида ўз аксини топган.

Бундан ташкари, диссертант томонидан ишлаб чикилган айрим илмий таклиф ва хуросаларни хукумат карорлари лойихаларига киритилганлиги ва амалда қабул қилинганлиги ҳамда тадқикот давомида истеъмол сарфлари ва ялпи ички маҳсулот ўртасидаги боғланишни аниклашда коинтеграцион усулни синовдан ўтказилганлиги Ўзбекистон Республикаси Иктисадиёт вазирлигининг 2004 йил 1 июлдаги 3-0/23 сонли хати билан тасдиқланган.

**Нашр қилинган илмий ишлар.** Тадқикотнинг асосий натижалари республикамиз журналларида чоп этилган 5 та илмий мақола ва битта тезисда ўз ифодасини топган бўлиб, уларнинг умумий ҳажми 2,5 босма табоқни ташкил этади.

**Диссертациянинг таркиби.** Диссертация кириш қисми, учта боб, хулоса ва таклифлар, адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат. Диссертация жами 128 компьютер ёзувидан иборат бўлиб, 42 та жадвал ва 21 та чизмани ўз ичига олган.

**Кириш қисмida** тадқикотнинг долзарблиги, унинг мақсад ва вазифалари, илмий янгилиги ва аҳамияти ёритилган.

**Биринчи боб – «Макроиктисодий кўрсаткичлар ўртасидаги боғланишни статистик тадқикот қилиш муаммолари»** деб номланиб, унда макроиктисодий кўрсаткичлар ўртасидаги боғланишни тадқиқ қилишнинг Ўзбекистондаги мавжуд муаммолари ёритилган.

**Иккинчи боб – «Истеъмол сарфлари ва ЯИМ ўртасидаги боғланишни тадқиқ қилишнинг илмий-услubий асослари»** деб номланади. Мазкур бобда истеъмол сарфлари ва ЯИМ ўртасидаги боғланишни тадқиқ қилишнинг илмий-услubий асослари ишлаб чикилган.

**Учинчи боб – «Айрим мамлакатларда истеъмол сарфлари ва ЯИМ ўртасидаги боғланишни тадқикот қилиш натижалари»** деб номланиб, унда истеъмол сарфлари ва ЯИМ ўртасидаги боғланиш Канада, Корея Республикаси ва Ўзбекистон Республикаси кўрсаткичлари мисолида киёсий таҳлил қилинган.

**Диссертациянинг якуний қисмida** таҳлиллар натижалари асосида хулоса қилинган ва мамлакатимиз амалий эконометрика ва статистика соҳаларида бугунги кунда амалга оширилиши лозим бўлган вазифалар бўйича таклифлар берилган.

**Иловада** компьютердаги ҳисоб-китоблар алгоритми ўз аксини топган.

## 2. ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ


Макроиктисодий кўрсаткичлар (масалан, ялпи ички маҳсулот, ялпи миллий даромад, инфляция, ишсизлик даражаси ва ҳоказолар) нинг истиқболли ҳажм ва даражаларини аниклашда регрессион моделлардан фойдаланиш муҳим аҳамиятга эга. Макроиктисодий ўзгаришларнинг

натижаларини таҳлил килиш ва истикболлаш ҳар бир иктиносиди, қолаверса, мамлакат бошқаруви учун ҳам жуда мухимdir. Маълумки, ҳозирги кунда мамлакатимизда макроиктисодий кўрсаткичларнинг бир-бирига ўзаро таъсирини аниқлашда, уларнинг истикболдаги тизимини таҳлил килишда туғли хил усуллар уларга хос бўлган хусусиятларни инобатга олмаган ҳолда қўлланиб келинмокда. Тадқиқот натижалари кўп ҳолларда макроиктисодий кўрсаткичларнинг қиска ва узок муддатдаги ўзаро боғликлек даражалари, уларнинг келажакдаги тизими, қолаверса, мамлакатда амалга оширилаётган ислоҳотлар окибатида кўрсаткичларнинг мувозанатдан чиқиб кетиши ва маълум бир даврдан сўнг уларнинг яна баркарор ҳолатга қайтиши хақида тўларок маълумот бермаяпти. Вахолангки, мувозанатдан чиқиб кетган макроиктисодий кўрсаткичларнинг яна баркарор ҳолатга қайтиши жуда мухимdir. Чунки иктиносидий шок (иктиносда содир бўладиган турли хил ўзгаришлар)дан кейин улар мувозанат ҳолатига қайтиб келмаса, кўпсаткичларнинг келажакдаги тизими истикболини аниқлаб бўлмайди. Шунинг учун макроиктисодий кўрсаткичларни таҳлил килишда уларнинг хусусиятларини ҳам инобатга олган ҳолда ўрганиш бугунги кунда Ўзбекистонда энг долзарб масалалардан хисобланади. Шу ўринда уларнинг хусусиятларини ёритиш жуда ўринлиди.

Макроиктисодий кўрсаткичлар, асосан, тренд, мавсумийлик, даврийлик ва тасодифийлик каби хусусиятларга эга бўлади. Ўз навбатида тренд икки хил бўлиши мумкин: алгебраик формулалар орқали акс эттириладиган тренд ҳамда стохастик тренд. Стохастик тренд бу тизими хеч қандай алгебраик формулалар орқали ифодалаб бўлмайдиган тренд хисобланади.

Стохастик трендга эга бўлган кўрсаткичлар табиатан ностационар бўлади ва куйидаги кўринишга эга бўлади (1-чизма):


1-чизма. Стохастик тренд.



Макроиктисодий кўрсаткичларнинг аксарияти ностационар бўлганлиги сабабли 1-чизмадаги стохастик тренднинг келажакдаги тизимини унинг мазкур шаклида истикболлаш мушкулдир. Чунки бу ҳолатда кўрсаткичлар иктиносидий шок сабабли мувозанатдан чиқиб кетиб, хеч қачон баркарор ҳолатга қайтиб келмайди.


Макроиктисодий кўрсаткичлар мавсумийлик хусусиятига эга бўлишини куйидаги 2-чизмада кўриш мумкин.

2-чизма. Мавсумий ўзгаришга эга кўрсаткич.




Бундай холларда йилнинг маълум бир мавсумида кўрсаткич кийматлари кескин ошиб ёки камайиб кетади. Маълумки, макроиктисод ўзгаришларга ниҳоятда бой. Амалга ошириладиган туб ислохотлар натижасида маълум бир даврда (масалан, 5-10 йил мобайнида) иктиносидёт кескин ўсиши ёки пасайиши мумкин. Бу амалий эконометрикада кўрсаткичларнинг даврий хусусияти деб эътироф этилади (3-чизма).

3-чизма. Даврий хусусиятга эга кўрсаткич.



Макроиктисодий кўрсаткичларнинг яна бир хусусияти тасодифийликдир. Бундай хусусият кучли бўлган кўрсаткичларни истиқболлаш деярли мумкин эмас. Мисол тарикасида кимматли коғозлар бозорида шаклланадиган нархларни келтириш мумкин. Уларнинг келажақдаги тизимини истиқболлаб бўлмайди (4-чизма).

4-чизма. Тасодифийлик хусусияти юкори кўрсаткич.



Акция курси айнан шундай хусусият кучли хисобланган кўрсаткичлар туркумига киради.

Хар хил макроиктисодий кўрсаткичларда юкоридаги хусусиятларнинг кучлилик даражаси турлича бўлади Шунинг учун уларнинг хар бирини таҳлил килганда ўзгача ёндашув талаб этилади.

Ўзбекистонда макроиктисодий кўрсаткичларни таҳлил қилиш жараёнида уларнинг юкоридаги хусусиятлари эътиборга олинмаган ҳолда ҳодисалар ўртасидаги боғлиқликни аниклашда кўпинча корреляцион таҳлил усулидан кенг фойдаланилади.

Ялпи ички маҳсулот ва истеъмол сарфларини Миллий хисоблар тизимида хисоблашида ноаниклика йўл қўйилади. Чунки иктисодда яширин, ноконуний ва норасмий фаолият турлари мавжудки, улар хар доим ҳам ялпи ички маҳсулот, уй хўжаликлари истеъмол харажатлари, қолаверса, бошка муҳим макроиктисодий кўрсаткичларда тўликлigliгича ифодаланмай колади. Ушбу «хисобга олинмаган иктисод»из шаклланган кўрсаткичлар тизимини таҳлил қилганда улар аниқ ва самарали натижа бермайди. “Хисобга олинмаган иктисод”нинг асосий манбаи уй хўжаликлари бўлганлиги сабабли, уларни мамлакатимиз статистика идоралари масъул мутахассислари томонидан ижтимоий сўров килиш кенг йўлга қўйилган. Бу беш босқичдан иборат бўлиб, дастлаб республика бўйича жами 10000 та турли тоифадаги уй хўжаликлари танлаб олинади ва улардан хар ойда Microsoft Access дастури орқали тасодифий танланган 833 таси (йил давомида жами 10000 таси) ижтимоий сўровлар ёрдамида тадқик килинади.

Танловдан кейинги босқичда сўров ўтқазувчи статистика бошқармаси мутахассиси (интервьюер) тасодифий танланган уй хўжалиги билан тадқиқотда қатнашиш бўйича битим тузади ва “Алоқа ўрнатиш”, “Кунлик харажатларни хисобга олиш”, “Индивидуал”, “Соғлиқ бўйича” ҳамда “Яқунловчи” интервьюларни амалга оширади.

Аммо амалдаги интервью саволномаларида ноконуний фаолиятни тадқиқ қилишга каратилган саволлар мавжуд эмас. Шунинг учун диссертацияда ижтимоий сўрвномалар бўйича Ўзбекистонда мавжуд айrim муаммоларни таҳлил қилиб, уларни бартараф этиш бўйича таклифлар берилган.

Хозирги кунда хориж мамлакатларининг амалий эконометрикасида макроиктисодий кўрсаткичлар ўртасидаги боғлиқликни аниклаш ва шу асосда уларнинг истиқболини аниклаш учун Йохансен методологияси кенг кўпланилмоқда, чунки ушбу усул икки ва ундан ортиқ макроиктисодий кўрсаткичлар ўртасидаги боғланишни аниклашда уларнинг хусусиятларини ҳам инобатга олади. Унинг фандаги янгилигини ва бошка усулларга нисбатан самарали эканлигини эътиборга олган ҳолда мазкур илмий ишда айнан шу усулнинг моҳиятини аникланди ҳамда уни Ўзбекистон ЯИМ ва истеъмол сарфлари орасидаги боғланишни ўрганишда кўлланди.

Йохансен конинграцион таҳлил усулиниң моҳияти шундаки, бу усул икки ва ундан ортиқ макроиктисодий кўрсаткичлар ўртасидаги (узоқ ва яқин

муддатлардаги) боғланишни аниклаш ҳамда иктиисодда содир бўлган ўзгаришлар натижасида мувозанатдан чиқиб кетган макроиктисодий қўрсаткичларнинг яна баркарор ҳолатта кайтиб келишини ўрганиш усулидир.

Шундан келиб чиқкан ҳолда эконометрик таҳлилнинг қуидаги босқичларини таклиф қиласиз:

1. Тадқикот соҳасига оид умумиктисодий категориялар таҳлил килинади;
2. Регрессион моделлаштириш учун асос қилиб олинадиган статистик қўрсаткичлар танлаб олинади;
3. Эконометрик модел тузилади ва унда катнашадиган қўрсаткичлар бўйича маълумот тұпланади;
4. Энг кичик квадрат усули билан қўрсаткичлар коэффициенти аж ашланади;
5. Моделнинг диагностик муаммолардан ҳолислиги текширилади;
6. Натижалар назарий жиҳатдан таҳлил килинади ва холосалар чиқарилади;
7. Юкоридаги шартларни қаноатлантирган модел асосида натижавий белгининг келажакдаги истиқболли киймати аникланади;
8. 6-босқичдаги натижаларга асосланиб, иктиисодий сиёsat белгилаб олинади.


Юкорида келтирилган 3-босқич ҳам бир канча кичик босқичларга бўлинади:

1. Қўрсаткичлар тизими аникланади. Улар бир-бири билан боғланган ва яхлит бўлиши керак;
2. Қўрсаткичларнинг стационар даражалари бир хил бўлиши лозим. Буни текшириш учун ўтказиладиган тест – Юнит Рут тести деб номланади. Ушбу тестнинг ҳар бир қўрсаткич бўйича ўтказилган натижалари Мак Кинноннинг 1%, 5% ва 10% даги маҳсус критик нуқталари билан таққосланади.

Агар юкоридаги шартлар қаноатлантирилса, тестнинг кейинги босқичига ўтилади. Унда коинтеграцион тест амалга оширилади. Агар моделда катнашаётган қўрсаткичларнинг узок ва яқин муддатдаги босқанишларини қўрсатувчи коэффициентлар статистик моҳиятли бўлса, регрессион моделлаштиришнинг бошқа босқичларига ўтилмайди ва тафовутдаги VAR (вектор авторегрессион модел) амалга оширилади.

Даражадаги VAR да қўрсаткичлар 1-даражали ҳолатда катнашади (яъни  $X, Y$  ҳолатда). Тафовутдаги VAR да қўрсаткичлар тафовутланган кўринишда ифодаланади, яъни  $DY$  ( $DY=Y-Y(-1)$ ) ва  $DX$  ( $DX=X-X(-1)$ ) кўринишда бўлади. Коинтеграцион тестнинг коэффициентлари (узок ва яқин муддатдаги боғланишни қўрсатувчилари) статистик моҳиятли бўлган ҳолатда даражадаги VAR ни ҳам амалга ошириш мумкин. У соддарок хисобланиб, қўрсаткичлар ўртасидаги факатгина узок муддатдаги боғланишини ифодалайди. 5-чизмада қўрсаткичлар ўртасидаги боғлиқликни тадқиқ килиш босқичларини келтирамиз.

5-чизма. Моделлаштириш боскичлари.



Фараз қилайлик, максадимиз икки шартли равиша белгилаб олинган ҳар кандай иқтисодий кўрсаткич –  $Y$  ва  $I$  ўртасидаги узок ва яқин боғланишни аниқлаш бўлсин. Ушбу холатда коинтеграцион тестнинг регрессион модели қуидаги кўринишда ифодаланади.

$$\Delta Y_t = \gamma_{11}\Delta Y_{t-1} + \gamma_{12}\Delta I_{t-1} + \alpha_{11}(\beta_{11}Y_{t-1} + \beta_{21}I_{t-1}) + \alpha_{12}(\beta_{12}Y_{t-1} + \beta_{22}I_{t-1}) + \varepsilon_{1t} \quad (1)$$

$$\Delta I_t = \gamma_{21}\Delta Y_{t-1} + \gamma_{22}\Delta I_{t-1} + \alpha_{21}(\beta_{11}Y_{t-1} + \beta_{21}I_{t-1}) + \alpha_{22}(\beta_{12}Y_{t-1} + \beta_{22}I_{t-1}) + \varepsilon_{2t} \quad (2)$$

Бунда:  $\Delta Y = DY = Y - Y(-1)$ ,  $\Delta I = DI = I - I(-1)$ ,  $\gamma_{11}$  –  $DY$  ва унинг бир давр аввалги киймати орасидаги эгилувчанлик (эластиклик),  $\gamma_{21}$  ва  $\gamma_{22}$  –  $DY$  ва  $DI$  ларнинг  $DY$ ,  $DI$  лар бир давр аввалги кийматлари орасидаги эгилувчанлик,  $\alpha_{11}$  –  $DI$  ва унинг бир давр аввалги киймати орасидаги эгилувчанлик,  $\alpha_{12}$  –  $Y$  нинг шокка муносабати,  $\alpha_{21}$  ва  $\alpha_{22}$  –  $DI$  нинг шокка муносабати,  $\beta_{11}$ ,  $\beta_{12}$ ,  $\beta_{21}$ ,  $\beta_{22}$  –  $Y$  ва  $I$  орасидаги узок муддатдаги боғланишни кўрсатади.

Икки кўрсаткичининг шок содир бўлган вақт (чорак, йил)да бирбирига ўзаро таъсирини ҳам коинтеграцион таҳлил усули асосида аниқлаш мумкин.

Куидаги регрессион тенгламалар берилган бўлсин:

$$\Delta Y_t = \dots + a\Delta I_t + \varepsilon_{1t} \quad (3)$$

$$\Delta I_t = \dots + b\Delta Y_t + \varepsilon_{2t} \quad (4)$$

(3) регрессион тенгламада  $I_t$  даги 1% ижобий ўсишнинг шок содир бўлган вақт (чорак, йил)да  $I_t$  нинг ўзига таъсири  $1/(1-ab)$  га,  $Y_t$  га таъсири эса  $a/(1-ab)$  га тенг бўлади. Худди шундай, (4) регрессион тенгламада,  $Y_t$  даги 1% ижобий ўсишнинг шок содир бўлган вақт (чорак, йил)да  $Y_t$  унинг ўзига таъсири  $1/(1-ab)$  га,  $I_t$  га таъсири эса  $b/(1-ab)$  га тенг бўлади.

Регрессион таҳлил натижаларига кўра кўрсаткичлар кучли ва кучсиз омил бўлиши мумкин. Ихтиёрий (5) кўринишдаги регрессион моделда  $\Delta Y$ , шокка таъсиридан бўлиб (яни  $\alpha_{11}$  ёки  $\alpha_{12}$  статистик моҳиятли бўлса), регрессион моделда катнашаётган бошқа кўрсаткич  $\Delta I_t$ , нинг барча кийматлари статистик моҳиятли бўлмаса, унда  $\Delta Y$ , кучли омил ҳисобланади. (5) кўринишдаги регрессион моделда  $\Delta Y$ , шокка таъсиридан бўлиб, регрессион моделда катнашаётган бошқа кўрсаткич  $\Delta I_t$ , нинг барча ёки айrim қийматлари статистик моҳиятли бўлса, унда  $\Delta Y$ , кучсиз омил ҳисобланади.

$$\Delta Y_t = \gamma_{11}\Delta Y_{t-1} + \gamma_{12}\Delta I_{t-1} + \alpha_{11}(\beta_{11}Y_{t-1} + \beta_{21}I_{t-1}) + \alpha_{12}(\beta_{12}Y_{t-1} + \beta_{22}I_{t-1}) + \varepsilon_{1t} \quad (5)$$

Регрессион моделлар (коинтеграцион, VAR) нинг барча боскичлари амалга оширилгандан сўнг улар диагностик тестлар бўйича синовдан ўтказилади. Унда кўрсаткичларнинг параметр бўйича баркарорлик, спецификация хатолик, хетероскедастика, автокорреляция ҳамда мултиколлиниар муаммолардан холислиги аникланади.

Юкорида таҳлил килинган Йохансен коинтеграцион тести орқали Канада давлати мисолида уй хўжаликлари истеъмол ҳаражатлари ва иктисадий ўсиш кўрсаткичлари ўртасидаги яқин ва узоқ муддатдаги боғланиш тадқиқ қилинди. Унда бирининг ошиши иккинчисининг ҳам кўпайишига олиб келиши, яъни кўрсаткичлар ўзаро мусбат боғланганлиги аникланди (1-жадвал).

1-жадвал. Уй хўжаликлари истеъмол ҳаражати ва ЯИМ (Канада мисолида).

DY учун			DH учун		
кўрсат- кич	коэффи- циент	t-статис- тикаси	кўрсат- кич	коэффи- циент	t-статис- тикаси
C	-0.032532	-3.379472	C	0.025024	3.735605
D(Y(-1))	0.356608	2.968975	D(Y)	0.510576	11.60164
D(H)	1.478929	11.98067	D(Y(-1))	-0.198805	-2.765018
D(H(-1))	-0.389485	-2.263594	D(Y(-2))	0.023495	0.398076
U(-1)	-0.426351	-4.401757	D(H(-1))	0.322056	3.183211
-	-	-	V(-1)	-0.299942	-4.224453
$R^2=0.85$		DW=1.92	$R^2=0.92$		DW=1.98

\*Бунда:  $\bar{Y}$ -ЯИМ, H-уй хўжаликлари истеъмол ҳаражати,  $V(-1)=\beta_{11}Y_{t-1}+\beta_{21}H_{t-1}$ .

\*\*Халқаро валюта фонди маълумотлари асосида муаллиф томонидан хисобланди.

(3) ва (4) формулалар орқали 1- ва 2-жадваллардаги натижалар таҳлил қилинди. Натижалар ялпи ички маҳсулотда 1% миқдорида мусбат шокнинг бўлиши, у содир бўлган чоракнинг ўзида уй хўжаликлари истеъмол ҳаражатлари 2,13% ва ялпи ички маҳсулотнинг ўзи эса 4,17% га ошиши, 1% мусбат шокнинг уй хўжаликлари истеъмол ҳаражатларида содир бўлиши, ўша чоракнинг ўзида ялпи ички маҳсулот 6,17% ва уй хўжаликлари истеъмол ҳаражатларининг 4,17% га кўпайишини ифодалади (ЯИМ ва уй хўжаликлари истеъмол ҳаражатлари моделида). 1% мусбат шокнинг давлат истеъмол ҳаражатларида содир бўлиши эса, шу чоракнинг ўзида давлат истеъмол ҳаражатларининг 1.14% ва ялпи ички маҳсулотнинг 0.44% га ошишини ҳамда 1% мусбат шокнинг ЯИМ да содир бўлиши, ўша чоракнинг ўзида ялпи ички маҳсулот 1,14% ва давлат истеъмол ҳаражатларининг 0,39% га кўпайишини кўрсатди (ЯИМ ва давлат истеъмол ҳаражатлари моделида).

Демак, Канада давлатининг уй хўжаликлари истеъмол ҳаражатлари ва давлат истеъмол ҳаражатлари кўрсаткичлари иктисадий ўсишга ижобий таъсир қилас экан. Аммо уй хўжаликлари истеъмол ҳаражатларининг иктисадий ўсишга таъсири давлат истеъмол ҳаражатлариникдан кучлироқ. Шунинг учун Канадада давлат ҳаражатларини нисбатан қискартириб, уй хўжаликларига эътиборни янада кучайтириш мақсаддага мувофиқдир.

2-жадвал. Давлат истеъмол ҳаражати ва ЯИМ (Канада мисолида).

DY учун			DG учун		
кўрсат- кич	коэффи- циент	t-статис- тикаси	кўрсат- кич	коэффи- циент	t-статис- тикаси
C	0.04076	4.6110	D(G(-1))	0.402796	4.351
D(Y(-1))	0.368375	2.904994	D(G(-2))	-0.309949	-3.083399
D(G)	0.385332	5.270365	D(G(-3))	0.087725	1.141373
D(G(-1))	-0.153343	-1.862854	D(Y)	0.335983	2.465
D(G(-2))	-0.120485	-1.782959	D(Y(-1))	0.352853	-2.035
I(-1)	-0.223708	-4.144592	D(Y(-2))	0.188291	1.1982
$R^2=0.64$		$DW=2.04$	$R^2=0.71$		$DW=2.07$

\*Бунда: Y-ЯИМ, G-давлат истеъмол ҳаражатлари, I(-1)=J(-1)= $\beta_{11}Y_{t-1}+\beta_{21}G_{t-1}$ .

\*\*Халкаро валюта фонди маълумотлари асосида муаллиф томонидан хисобланди.

Иктисадда шок содир бўлганда юқоридаги икки кўрсаткич мувозанатдан йироқлашади ва уларнинг иккаласи хам бир-бирини мувозанатга қайтаради (ЯИМ ва уй хўжаликлари истеъмол ҳаражатлари моделида). Демак, ушбу холатда уларнинг иккиси хам кучсиз омил хисобланади ((5) формулага қаранг).


Натижалар таъкидламоқдаки, агар шок уй хўжаликлари истеъмол ҳаражатларида содир бўлса, кўрсаткичлар мувозанатга қайтишининг 30.0% шак содир бўлган давр (чорак, йил) да рўй беради. Агар шок ялпи ички маҳсулотда содир бўлса, кўрсаткичлар мувозанатга қайтишининг 42,6% шок содир бўлган давр (чорак, йил) да рўй беради (ЯИМ ва уй хўжаликлари истеъмол ҳаражатлари моделида). Шок давлат истеъмол ҳаражатларида содир бўлса, кўрсаткичлар мувозанатга қайтишининг 22.4% шок содир бўлган давр (чорак, йил) да рўй беради (ЯИМ ва давлат истеъмол ҳаражатлари моделида).

“Бир қадам олға” деб номланадиган истикболлаш усули орқали Канада бўйича натижаларимизнинг аниклигини таҳлил қиласиз.

Кўрсаткичлар 1948-2002 йиллардаги 55 йиллик маълумотларни ўз ичига олади. Ушбу даврни ихтиёрий равишда иккига бўламиш, яъни 1983 йилдан 1994 йилгача ва 1994 йилдан 2002 йилгача. Биринчи давр маълумотларини 1994 йилдан 2002 йилгача кўрсаткичлар истиқболли қийматини бирма-бир аниклаймиз ва уларни 1994-2002 йиллардаги хақиқий қийматлар билан солишитирамиз. Агар улар орасидаги тафовут жуда кичик бўлса, демак регрессион таҳлилимиз тўғрилигига яна бир бор ишонч ҳосил қилишимиз мумкин бўлади.

Куйидаги 6-чизмада Н-уй хўжалиги истеъмол ҳаражатларининг хақиқий қиймати, FHI-уй хўжалиги истеъмол ҳаражатларининг истиқболли қиймати. Чизмада кўриниб турибдики, улар ўртасидаги тафовут жуда хам кичик, бу реясион таҳлилимизнинг аниклигини ва коинтеграцион тест методологиясининг самарали эканлигини яна бир бор таъкидламоқда.

6-чизма. Уй хұжалиги истеъмол харажати истиқболи (Канада мисолида)



Корея Республикасининг ЯИМ ва хусусий истеъмол харажатлари кўрсаткичлари ўртасидаги яқин ва узок муддатдаги боғланиш Йохансен коинтеграцион тести орқали текширилиб, улар бир-бирига ижобий таъсир қилиши аникланди (3-жадвал). Шуни таъкидлаш жоизки, Корея Республикасида уй хўжаликлари истеъмол харажатлари МХТ да хусусий истеъмол харажатлари деб юритилади.

3-жадвал. Хусусий истеъмол харажати ва ЯИМ (Корея Республикаси мисолида).

DY учун			DH учун		
кўрсат- кич	коэффи- циент	t-статис- тикаси	кўрсат- кич	коэффи- циент	t-статис- тикаси
C	-0.292058	-2.793931	C	0.029815	2.053055
D(Y(-5))	0.143206	2.534507	D(Y)	0.846326	12.67518
D(Y(-9))	0.082825	1.771816	D(Y(-6))	0.128563	1.787620
D(H)	0.848712	10.51593	D(H(-1))	0.340974	4.421198
D(H(-1))	-0.224883	-2.695877	D(H(-2))	-0.254411	-3.549013
D(H(-2))	0.153891	1.987937	D(H(-5))	-0.180830	-2.583336
U(-1)	-0.009808	-2.484252	D(H(-8))	-0.086566	-1.837580
$R^2=0.923218$		DW=1.87	$R^2=0.914$		DW=1.828

\*Бунда:  $Y$ -ЯИМ,  $H$ -хусусий истеъмол харажати,  $U(-1)=V(-1)=\beta_{11}Y_{t-1}+\beta_{21}H_{t-1}$ .

\*\*Халқаро валюта фонди маълумотлари асосида муаллиф томонидан хисобланди.

(3) ва (4) формулатар орқали 3- ва 4-жадваллардаги натижалар таҳлил килинди. ЯИМда 1% мусбат шокнинг содир бўлиши, шу давр (чорак, йил) нинг ўзида ялпи ички маҳсулот 3,57% ва хусусий истеъмол харажатлари эса 3,04% га ошиши, агар 1% мусбат шок хусусий истеъмол харажатларида содир бўлса, ўша давр (чорак, йил) нинг ўзида хусусий истеъмол харажатлари 3,57% ва ялпи ички маҳсулот 3,04% га кўпайиши аникланди (ЯИМ ва хусусий истеъмол харажатлари моделида). Шунингдек, натижалар 1% мусбат шокнинг давлат истеъмол харажатларида содир бўлиши, шу давр (чорак, йил) нинг ўзида давлат истеъмол харажатлари 1.15% ва ЯИМ 0.45% га ошиши, ялпи ички маҳсулотнинг 1% га кўпайиши эса, шу давр (чорак, йил) нинг ўзида ЯИМ 1.15%, давлат истеъмол харажатларининг 0.44% га

ошишига сабаб бўлишини кўрсатди (ЯИМ ва давлат истеъмол харажатлари моделида).

Демак, уй хўжаликлари истеъмол харажатлари ва давлат истеъмол харажатлари иктисодий ўсишга ижобий таъсир килади. Бироқ уй хўжаликларининг иктисодий ўсишга таъсирююкорирор экан. Шунинг учун уй хўжаликларига эътиборнинг янада кучайтирилиши натижасида Корея Республикасида бундан хам ююкорирор иктисодий ўсишга эришилишини таъминлаш мумкин.

4-жадвал. Давлат истеъмол харажати ва ЯИМ (Корея Республикаси мисолида).

DY учун			DG учун		
кўрсат- кич	коэффи- циент	t-статис- тикаси	кўрсат- кич	коэффи- циент	t-статис- тикаси
C	0.043152	1.798094	D(G(-1))	0.325516	2.689413
D(Y(-1))	0.405698	3.019846	D(Y)	0.345601	2.435724
D(G)	0.355359	2.818728	D(Y(-1))	0.283523	1.932922
$R^2=0.87$		$DW=1.85$	$R^2=0.85$		$DW=2.05$

\*Бунда: Y—ЯИМ, G—давлат истеъмол харажати,  $X_{t-1}=Z_{t-1}=\beta_{11}Y_{t-1}+\beta_{21}G_{t-1}$ .


\*\*Халқаро валюта фонди маълумотлари асосида муаллиф томонидан хисобланди.

Иктиносда шок натижасида иккич кўрсаткич мувозанатдан йироқлашса, улардан фақат ЯИМ шокка жавоб беради. Демак, бу холатда ЯИМ кучсиз омил хисобланади. Агар шок содир бўлса, кўрсаткичлар мувозанатга кайтишининг 0,9% шок бўлган давр (чорак, йил) нинг ўзида рўй беради (хусусий истеъмол харажатлари ва ЯИМ моделида).

Кўрсаткичлар 1953-2002 йиллардаги 50 йиллик маълумотларни ўз ичига олади. Ушбу даврни ихтиёрий равишда иккига бўламиз, яъни 1958-1991 ва 1991-2002 йиллар. Биринчи давр маълумотларини 1991 йилдан 2002 йилгача кўрсаткичлар истикболли кийматини бирма-бир аниклаймиз ва уларни 1991-2002 йиллардаги ҳакиқий кийматлари билан солиштирамиз. Агар улар орасидаги тафовут жуда кичик бўлса, демак регрессион таҳлилиминиз тўғрилигига яна бир бор ишонч ҳосил қилишимиз мумкин бўлади.

Куйидаги 7-чизмада Н-уй хўжалиги истеъмол харажатларининг ҳакиқий киймати, FH1-уй хўжалиги истеъмол харажатларининг истикболли киймати. Чизмадан кўриниб турибдик, улар ўртасидаги тафовут жуда хам кичик, бу реҷессион таҳлилимининг аниклиги ва коинтеграцион тест методологиясининг самарали эканлигини яна бир таъкидламоқда.

7-чизма. Хусусий истеъмол харажати истикболи (Корея Республикаси мисолида).



Ўзбекистон ЯИМ ва уй хўжалиги истеъмол харажатлари кўрсаткичлари бўйича натижалар улар ўртасида коинтеграцион боғланиш мавжуд эканлигини кўрсатмоқда (5-жадвал).

5-жадвал. Уй хўжаликлари истеъмол харажати ва ЯИМ (Ўзбекистон мисолида).

DY учун			DH учун		
кўрсат- кич	коэффи- циент	t-статис- тикаси	кўрсат- кич	коэффи- циент	t-статис- тикаси
D(Y(-1))	-0.397627	-3.472911	C	0.526064	3.740166
D(Y(-2))	-0.606325	-4.700454	DY	0.829154	11.33159
D(H)	0.939699	15.96957	D(Y(-1))	0.553919	4.605696
D(H(-1))	0.584889	4.176860	D(Y(-2))	0.434424	2.999599
D(H(-2))	0.524868	3.436498	D(H(-1))	-0.809095	-5.216236
U(-1)	-0.163672	-2.567325	D(H(-2))	-0.514451	-3.226403
-	-	-	V(-1)	-0.045040	-3.514186
$R^2=0.962376$		$DW=2.581603$	$R^2=0.949432$		$DW=2.252528$

\*Бунда: Y—ЯИМ, H—уй хўжаликлари истеъмол харажати.

\*\*Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги маълумотлари асосида муаллиф томонидан хисобланди.

ЯИМ ва давлат истеъмол харажатлари кўрсаткичлари бўйича тахлинимиз улар ўртасида коинтеграцион боғланиш мавжудлигини кўрсатмоқда (6-жадвал).

6-жадвал. Давлат истеъмол харажати ва ЯИМ (Ўзбекистон мисолида).

DY учун			DG учун		
кўрсат- кич	коэффи- циент	t-статис- тикаси	кўрсат- кич	коэффи- циент	t-статис- тикаси
C	1.216352	9.722098	C	-1.343308	-5.951756
DY(-1)	0.207862	2.761546	DY	1.166623	10.81894
DG	0.682301	10.81894	DY(-1)	-0.376021	-4.360369
I(-1)	-0.939829	-10.09412	J(-1)	-1.156650	-6.486859
$R^2=0.889507$		$DW=1.850295$	$R^2=0.858766$		$DW=2.082717$

\*Бунда: Y—ЯИМ, G—давлат истеъмол харажатлари, I(-1)=J(-1)= $\beta_{11}Y_{t-1} + \beta_{21}G_{t-1}$ .

\*\*Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги маълумотлари асосида муаллиф томонидан хисобланди.

(3) ва (4) формуласалар орқали 5- ва 6-жадваллардаги натижалар тахлил қилинганда уй хўжаликлари истеъмол харажатларида 1% ижобий ўзгариши содир бўлиши, шу чоракнинг ўзида у 4,53% га ижобий ўзгариши, бу эса иқтисодий ўсишнинг 4,26% га кўпайишига сабаб бўлиши аникланди. Бу уй хўжаликлари истеъмол харажатларининг кўшимча мусбат кўпайиши иқтисодий ўсишга ижобий таъсир қилишини билдиради. Агар ЯИМ да 1% ижобий ўзгариш содир бўлса, шу чоракнинг ўзида у 4,53% га, уй хўжаликлари истеъмол харажати эса 3,76% га ошади. Агар иқтисодий шок бўлганда ЯИМ ва уй хўжаликлари истеъмол харажатлари кўрсаткичлари унга жавоб беради. Агар шок иқтисодий ўсишда рўй берса, мувозанатдан чикиб кетган кўрсаткичларнинг яна барқарор ҳолатга қайтишининг 16,37% шок содир бўлган чоракда рўй беради. Иқтисодий ўзгариш уй хўжаликлари

истеъмол харажатларида рўй берса, кўрсаткичлар барқарор холатга кайтишининг 4,5% ўзгариш содир бўлган чоракда амалга ошади.

Шунингдек, агар давлат истеъмол харажатларида 1% ўзгариш содир бўлса, шу чоракнинг ўзида у 4,9% га ўзгаради, бу эса иктиносидий ўсишга 3,34% таъсир килар экан. Булар давлат истеъмол харажатларининг кўшимча мусебат кўпайиши иктиносидий ўсишга ижобий таъсир килишини билдиради. ЯИМ да 1% ўзгариш содир бўлса, давлат истеъмол харажатлари 5,72% га ошади. Агар иктиносидий шок бўлганда, унга факат ялпи ички маҳсулот кўрсаткичи жавоб бериб, мувозанатдан чикиб кетган бу икки кўрсаткичини барқарор холатга кайтаради ва ушбу жараённинг 94% шок содир бўлган чоракда рўй беради.

Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитаси 2000 йилнинг апрелидан бошлаб Ўзбекистонда уй хўжаликлари истеъмол харажатларини хисоблашда янги методология асосида тайёрланган сўровномалар оркали амалга ошириш йўлга кўйилди. Ўзбекистон ЯИМ ва уй хўжаликлари истеъмол харажати кўрсаткичлари бўйича эса моделда фойдаланилган давр 1995-2003 йилларни ўз ичига камраб олган. Демак, кўрсаткичлар турлича методологиялар бўйича хисобланган. Бу холат амалга оширилган регрессион таҳлил натижаларига салбий таъсир қилиши табиий.

Энди, Канада ва Корея Республикаси тажрибаларига таянган ҳолда, Ўзбекистон учун юкори иктиносидий ўсишга эришиш учун истеъмол (шу жумладан давлат ва уй хўжаликлари истеъмол харажатлари) нинг ялпи ички маҳсулотдаги лозим бўлган оптималь улушини аниклаб кўрайлик (9-жадвал).

#### 9-жадвал. Кўрсаткичларнинг ЯИМ даги оптималь улуши

Кўрсаткичларнинг 1% га ўзгариш натижалари

	DY*	DG*	DH*	DY**	DG**	DH**	DY***	DG***	DH***
DY	4,53	3,34	4,26	1,79	0,003	1,68	4,17	3,21	9,11
DG	5,72	4,9	-	0,4	1,02	-	4,13	4,17	-
DH	3,76	-	4,55	0,84	-	1,79	12,3	-	11,0

Бунда:

\* Давлат истеъмол харажатининг ЯИМ даги улуши 18,5%, уй хўжаликлари истеъмол харажатининг ЯИМ даги улуши 53,8% (кўрсаткичларнинг жорий йилдаги ҳақиқий киймати).

\*\* Давлат истеъмол харажатининг ЯИМ даги улуши 10,0%, уй хўжаликлари истеъмол харажатининг ЯИМ даги улуши 55,0%.

\*\*\* Давлат истеъмол харажатининг ЯИМ даги улуши 14,0%, уй хўжаликлари истеъмол харажатининг ЯИМ даги улуши 56,0%.

Эслатма. Халқаро валюта фонди ва Ўзбекистон Республикаси Иктиносидёт вазирилиги маълумотлари асосида муалиф томонидан хисобланди.

Ўзбекистон давлат истеъмол харажатларини 10 фоизга туширсан, мамлакатимизда 0,3 фоиз иктиносидий ўсишга эришар эканмиз. Давлат ва уй хўжаликлари истеъмол харажатларининг ЯИМдаги турли улушлари бўйича амалга оширилган тест натижалари, Ўзбекистон бўйича уларнинг оптималь улуши 14 (давлат истеъмол харажати) ва 56 (уй хўжаликлари истеъмол харажати) фоиз эканлиги аникланди. Демак, Ўзбекистоннинг бугунги кун

шароитида 10 ва ундан ортик фоиз иктиносидий ўсишга эришиш учун жорий давлат истеъмол ҳаражатларини 4,5 фоизга кисқартиришимиз ва уй хўжаликлари истеъмол ҳаражатларини 2,2 фоизга кўпайтиришимиз лозим бўлади. Давлат истеъмол ҳаражатларини кисқартириш учун, Корея Республикасидаги каби, давлат улуши мавжуд, молиявий ночор, стратегик аҳамиятга эга бўлмаган корхоналарни хусусийлаштириш лозим бўлади. Уй хўжаликлари истеъмол ҳаражатларини кўпайтириш учун Марказий банкнинг кайта молиялаштириш ставкаси инструменти орқали уни камайтириш эвазига эришиш мумкин бўлади.

Учта турли давлатларнинг кўрсаткичлари бўйича тест натижалари умумийликка эга бўлиб, улар бир-бирига нисбатан узок муддатли ижобий боғланишга эга эканлигидан далолат бермокда. Канада, Корея Республикаси ва Ўзбекистон кўрсаткичлари бўйича таҳлиллар улардаги уй хўжаликлари истеъмол ҳаражатлари иктиносидий ўсишга давлат истеъмол ҳаражатларига нисбатан юқориорк ижобий таъсирга эга эканлигини таъкидлайди. Бундан ташқари кўрсаткичларнинг ўтмиш ва жорий даврлардаги ўзгаришлари уларнинг келажақдаги тизимиға ҳам таъсир килиши аниқланди.

### **3. ХУЛОСА**

Учта давлат бўйича натижалар пировард иктиносидий назариядаги талабнинг шаклланиш конуниятини тасдикламоқда, яъни уй хўжаликлари истеъмол ҳаражатларининг ошиши иктиносидаги ялпи талабнинг ҳам кўнайишишга олиб келишини ва шу орқали иктиносидий ўсишга сабаб бўлишини ифодаламоқда.

Хозирги кунда мамлакатимиз бозор иктиносига ўтиш босқичини бошидан кечираётган бир пайтда давлатимиз томонидан фискал, монетар ва бошқа сиёсалар бўйича турли ўзгаришлар амалга оширилиши табиий. Бундай шароитда турли ўзгаришлар сабабли кўрсаткичларнинг келажақдаги тизимини таҳлил қилиш Ўзбекистон макроиктиносиди учун жуда муҳимдир. Чунки макроиктиносидий сиёсатда йўл қўйилган кичик бир хатолик мамлакатнинг иктиносидий юксалиш даврини орқага тортиб кетиши мумкин. Шунинг учун ҳам Йохансен методологиясининг макроиктиносидий кўрсаткичлар таҳлиллари учун амалда кенг кўлланилиши кейинги даврларда иктиносодда содир бўладиган ўзгаришлар тизимини аниглаш имкониятини беради.

Макроиктиносидий кўрсаткичларни таҳлил қилишдаги муаммоларни ҳал этиш, қолаверса, мазкур кўрсаткичларнинг МХТ да янада аникроқ ва самаралиорк шаклланишини таъминлаш ҳамда илмий ишдати натижаларни инобатга олиб, мамлакатимизда қўйидагиларни амалга ошириш жуда ҳам муҳимдир:

1. Макроиктиносидаги яширин, ноконуний ва норасмий иктиносидий фаолиятни чукуррок таҳлил қилиш лозим. Бунда бугунги кунга қадар макроиктиносидий кўрсаткичлар таркибида мужассамланмай, ўз аксини топмай колаётган иктиносидий фаолият турларни аниклаб, уларни чукур таҳлил қилиб хисобга олиш керак.

2. Тахлил асосида бугунги кунда яширин ва ноконуний иқтисодий фаолиятнинг макроиктисодий кўрсаткичларда мужассамланмай қолаётганлигининг асосий сабабларини аниқлаш лозим. Масалан, яширин фаолиятнинг иқтисоддаги маълум даражада таъсири қиласидиган омиллардан бири – солик ставкалари хисобланади. Шунинг учун баркарор иқтисодий ўсишга ижобий таъсири этишини таъминлайдиган оптималь солик ставкаларини аниқлаш ҳамда жорий килиш.

3. «Хисобга олинмаган иқтисод»нинг бошка манбалари (масалан, конунни муҳофаза килиш вазирликлари ва идораларининг статистик маълумотлари) да акс эттирилишини ўрганиб чиқиб, уларни такомиллаштириш ҳамда ҳукумат идоралари ўртасидаги ўзаро алоқаларни кучайтириш, шаклланган маълумотларни МХТ да самараали ифода этиш керак.

4. Ижтимоий сўровномаларда тўплangan маълумотлардан нафақат уй хўжаликларининг турмуш тарзини таҳлил килишда, балки солик, бож, пул-кредит ҳамда конунни ҳимоя килишга каратилган турли сиёsatларни шакллантиришда, уларни амалда қўллашда ҳам фойдаланиш керак.

5. Иқтисодда содир бўладиган жараёнлар (инфляция, иқтисодий ўсиш ва бошқалар) нинг келажакдаги тизимини ўрганишда ижтимоий сўровномаларни яратиш ва уларни амалда қўллашни жорий этиш лозим. Маълумки, омма орасида иқтисодий ўсиш, инфляция ва ишсизлик даражаларининг келажакдаги тизими ҳакида турли хил фикрлар бўлади. Мазкур кўрсаткичларнинг келажакдаги ҳакиқий қийматининг маълум қисминигина илмий тадқиқотлар орқали ифодалаш мумкин. Кенг омманинг кўрсаткичлар қиймати ҳакидаги фикрларини тўплаб, уни аналитик йўллар ёрдамида хисобланган қийматлар билан мужассамлаган ҳолда ягона моделни шакллантириш лозим. Бу орқали кўрсаткичларнинг ҳакиқий қийматларини аникрок ҳасоблашга эришиш мумкин.

\* 6. Ўзбекистонда макроиктисодий кўрсаткичларнинг келажакдаги тизимини таҳлил қилишда фақатгина анъанавий усуllibардан эмас, балки бугунги кунда энг оммабоп, самараали эконометрик ва статистик усуllibардан, хусусан, Йохансен таҳлилидан фойдаланишни жорий этиш керак. Ушбу усул билан иқтисодий ўзгаришларга бой шароитда ҳам макроиктисодий кўрсаткичларнинг келажакдаги тизимини аниқлаш мумкин.

7. Статистик усуllibар ёрдамида иқтисодий ўзгариш ва жараёнларни таҳлил қилишда, уларнинг келажакдаги тизимини аниқлашда ҳам аналитик, ҳам ижтимоий сўровномалар усулини ўз ичига оладиган регрессион моделни яратиш лозим. Чунки у ёки бу иқтисодий жараён бўйича сўровномаларда аҳоли ўз фикрини билдираётганда фойдаланадиган айрим маълумотлар ва асослар аналитик моделларда ўз ифодасини топмаслиги мумкин. Шунинг учун иқтисодий жараённинг келажакдаги тизимини янада самаралироқ аниқлашда ҳам аналитик, ҳам сўровномалар маълумотига асосланган умумий таҳлилни мамлакатимизда жорий этиш жуда муҳим аҳамиятга эга.

8. Ўзбекистонда 10 ва ундан ортиқ фоиз иқтисодий ўсишга эришиш учун давлат ва уй хўжаликлари истеъмол ҳаражатларининг ЯИМдаги улушлари 14 (давлат истеъмол ҳаражати) ва 56 (уй хўжаликлари истеъмол ҳаражати) фоиз бўлиши лозим.

#### **4. ЧОП ЭТИЛГАН ИЛМИЙ ИШЛАР РЎЙХАТИ**

##### **1.Илмий маколалар:**

1. Взаимоотношения между государственными потребительскими расходами и внутренним валовым продуктом. // Экономика и класс собственников. -Т.: 2002, №3, С. 21-23.

2. Уй хўжаликлари истеъмол ҳаражатлари ва иқтисодий ўсиш муносабатлари. // Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси. -Т.: 2002, №10-11, 59-61 б.

3. Йохансен коинтеграцион тести ва унинг асосида истиқболлаш. // Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси. -Т.: 2003, №7, 2-5 б.

4. Монетарная политика: какой подход оптимальнее? //Экономика и класс собственников. -Т.: 2003, №3, С. 36-37.

5. ЯИМда «хисобга олинмаган иқтисод»ни шакллантириш самарадорлигини ошириш. // Бозор, пул ва кредит. -Т.: 2003, №10, 54-56 б.

##### **2. Маърузалар тезислари:**

1. “Истеъмол сарфлари ва ЯИМ ўргасидаги боғланишининг статистик тадқиқот усулларини такомиллаштириш” (МХТ асосида). Хорижда таълим олган ёш мутахассисларнинг I конференцияси. Т.: 2003. 240-246 б.

Тадқиқотчи:

Иктисад фанлари номзоди илмий даражасига талабгор

**ДЖАЛИЛОВ ХУРШИД АБДУРАХИМОВИЧ**нинг

08.00.06 – “Эконометрика ва статистика” иктиносослиги бўйича “Истеъмол сарфлари ва ЯИМ ўртасидаги боғланишнинг статистик тадқикот усулларини такомиллаштириш” (МХТ асосида) мавзусидаги диссертациянинг

## **КИСҚАЧА МАЗМУНИ**

**Калитли сўзлар.** Ялпи ички маҳсулот, давлат ва уй хўжаликлари истеъмол ҳаражатлари, эконометрик моделлаштириш, тренд, мавсумийлик, тасодифийлик, даврийлик хусусиятлари.

**Тадқикот обьекти** бўлиб Ўзбекистон Республикаси миллий иктисади ҳисобланади. Кўрсаткичлар ўртасидаги боғланишни аниқлашда Канада ва Корея Республикаси давлатларининг маълумотларидан ҳам фойдаланилган.

**Ишинг мақсади.** Истеъмол ҳаражатлари ва ЯИМ ўртасидаги боғланишни ўрганишда хорижда кўлланиладиган замонавий эконометрик усулларни Ўзбекистон Республикаси шароитида кўллаш ва кўрсаткичлар тизимини ишлаб чиқиши.

**Тадқикот усуллари:** тизимли таҳлил, эконометрик моделлаштириш, статистик ва иктисадий таҳлил усуллари.

**Олинган натижалар ва уларнинг янгилиги.** Бозор муносабатларига ўтиш шароитида истеъмол сарфлари ва ЯИМ кўрсаткичларининг МХТда аникроқ шаклланишидаги муаммолар тадқик қилинган. Ўзбекистон иктисадида давлат ва уй хўжаликлари истеъмол ҳаражатларининг ЯИМ билан боғланиши хорижда замонавий ҳисобланган усуллар ёрдамида аникланган. Истеъмол сарфлари ва ЯИМ ўртасидаги боғликларни тавсифлайдиган эконометрик моделлар ишлаб чиқилган.

**Амалий аҳамияти.** Диссертацияда ишлаб чиқилган илмий тавсиялар иктисадий тизимларни бошқарища вужудга келиши мумкин бўлган муаммоларнинг асосий сабабларини, хусусан даромаднинг мутаносиб равишда таксимишлини, макроиктисадий кўрсаткичлар тизимидағи ўзгаришлар сабабларини очиб беришга, пировардда эса республикамизда иктисадий стратегиянинг мақбул йўналишларини танлаб олинниш имконини беради.

**Тадбик этиш даражаси.** Тадқикотнинг илмий натижалари Ўзбекистон Республикаси Иктисадиёт вазирлигига жорий этилган. Синов натижалари ишлаб чиқилган тизим миллий иктисадни бошқарища илмий асосланган қарорлар қабул килишда муҳим ва ишончли восита бўлиб хизмат киласди.

**Амалга қўллаш соҳаси.** Мамлакат макроиктисадий фаолият натижаларини таҳлил қилиш ва шу кўрсаткичларнинг келажакдаги истиқболини аниқлаш соҳаларида қўлланилади.

## РЕЗЮМЕ

диссертации Джалилова Хуршида Абдурахимовича на тему  
 «Совершенствование методов исследования взаимосвязи между  
 потребительскими расходами и ВВП» (на основе СНС) на соискание ученой  
 степени кандидата экономических наук по специальности 08.00.06 –  
 «Эконометрика и статистика»

**Ключевые слова.** Валовой внутренний продукт, потребительские расходы государства и домохозяйств, эконометрическое моделирование, тренд, сезонность, случайность, цикличность.

**Объектом исследования** является национальная экономика Республики Узбекистан. При исследовании взаимосвязи между показателями также использована информация о Канаде и Республике Корея.

**Цель работы.** Разработка системы показателей и внедрение современных эконометрических методов исследования взаимосвязи между потребительскими расходами и ВВП.

**Метод исследования.** Методы системного анализа, эконометрического моделирования, статистического и экономического анализа.

**Полученные результаты и новизна.** Исследованы проблемы более точного формирования показателей потребительских расходов и ВВП в СНС в условиях перехода к рыночным отношениям. С помощью современных зарубежных методов найдены отношения между потребительскими расходами государства и домохозяйств с ВВП. Разработаны эконометрические модели, характеризующие взаимосвязи между потребительскими расходами и ВВП.

**Практическая значимость работы.** Разработанные в диссертации научные предложения дадут возможность выявить основные причины возникающих проблем в ходе управления экономических систем, в частности неравномерного распределения доходов, что позволит выбрать соответствующие пути экономической стратегии республики.

**Уровень внедрения и экономическая эффективность.** Научные результаты исследования внедрены в Министерстве экономики Республики Узбекистан. Результаты тестирования доказали, что разработанная экономическая система является важным и достоверным инструментом в ходе управления национальной экономикой и принятия научно-обоснованных решений.

**Область применения.** Анализ и прогнозирование макроэкономических показателей государства.

### **Resumé**

on the dissertation work of Djalilov Khurshid Abdurakhimovich on the theme “Research methods development of the relationship between consumption expenditures and GDP” (on the base of SNA) for getting the degree of candidate of economic sciences, specialty 08.00.06 – “Econometrics and statistics”

**Key words.** Gross domestic product, government consumption expenditures, household consumption expenditures, econometric modeling, trend, seasonality, random walk, cycle.

**The subject of research:** are the national economy of the Republic of Uzbekistan. During the research information on Canada and Republic of Korea was used as well.

**The goal of research:** working out the system of indicators and the application of modern foreign econometric methods of relationship investigation between consumption expenditures and GDP.

**Method of research:** system analysis, econometric modeling, statistic and economic analysis.

**Obtained results and novelty.** Investigated the problems of more accurate formation of consumption expenditures and GDP in the SNA during the transition to market economy. Found out the relationship of government and households' consumption expenditures with GDP by using modern foreign methods. Worked out econometric models, explaining the relationship between consumption expenditures and GDP.

**Practical importance of the research.** worked out scientific proposals In dissertation provides the opportunity finding out the main reasons in managing over the economic system, particularly uneven distribution of income, choosing the acceptable ways of economic strategy of the country.

**Application degree and economic efficiency:** scientific results of the research are applied in the Ministry of economy of the Republic of Uzbekistan. The testing results proved that worked out economic system is important and trustful instrument during managing over national economy and accepting scientific proved solutions.

**Sphere of usage.** In analyzing the results of macroeconomic activity of the country and their forecasting spheres.

Қоғоз бичими	1,2 б.т.
Босишга рухсат этилди	06.10.2004 й.
Адади	100 нусха
Буюртма №	13-10

Ўзбекистон Республикаси президенти хузуридаги  
Давлат ва жамият курилиши академиясининг  
«Академхизмат» босмахонасида чоп этилди.

Тошкент, Ўзбекистон  
шоҳ кӯчаси, 45.